



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Тошкент метрополитени” ДУК  
бошпиғи

Аманов Р.Д.  
2022 йил

“Тошкент метрополитени Юнусобод йўналиши иккинчи босқичи қурилиши” лойиҳаси  
қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш бўйича  
ТЕХНИК ШАРТ

1.	Хизматлар рўйхати:	Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган “Тошкент метрополитени Юнусобод йўналиши иккинчи босқичи қурилиши” лойиҳаси доирасида бажарилган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш.
2.	Объект номи:	“Тошкент метрополитени Юнусобод йўналиши иккинчи босқичи қурилиши” (кейинги ўринларда – Объект)
3.	Объект жойлашган манзил:	Тошкент шаҳар Юнусобод тумани
34.	Буюртмачи:	“Тошкент метрополитени” ДУК
5.	Молиялаштириш манбаи:	Бюджет ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредит маблағлари
6.	Лойиҳачи ташкилот:	“Ташкент метропроект” МЧЖ
7.	Пудратчи ташкилот:	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тузилмавий бўлимлари
8.	Қурилиш-монтаж ишларининг қиймати:	Объектда амалда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати: 324 784 717 253,92 сўм (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) (2016, 2018 ва 2019 йилларда тузилган пудрат шартномаларига асосан, жумладан: “67-сонли Кўприкқурилиш отряди” 52/02 ва 1-сонли; “406-сон ИҚМП” УК 2-сонли; “1-сон ЭП” УК 1-сонли ; “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Йўл хўжалиги бошқармаси 4-сонли.
9.	Объектда бажарилган қурилиш-монтаж ишларини назорат ўлчовидан ўтказишга қўйиладиган талаблар:	1. Объектда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг амалда бажарилган қиймати, бажарилган иш учун тўланган ва тақдим этилган нархларни текшириш. 2. Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган хусусиятларига ва мақсадларига мувофиқлигини текшириш. 3. Қабул қилиш актларида кўрсатиб ўтилган ҳажмларни амалда бажарилганлигини ва объектни фойдаланишга тайёрлигини аниқлаш. 4. Объектда ишлатилган қурилиш материаллари ва буюмларнинг яширин иш далолатномалари, ижро чизмалари, муаллифлик назорати журнали ва юк хатларида келтирилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш.

		<p>5. Назорат ўлчовини техник хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга ошириш.</p> <p>6. Назорат ўлчовини тўғридан-тўғри объектга ташриф буюриш ва ўлчов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш.</p> <p>7. Назорат ўлчовини амалга оширишда қурилиш соҳасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларидан фойдаланиш.</p> <p>8. Назорат ўлчови натижасига кўра қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмларида лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд бўлса, ушбу ҳолатларни кўрсатиш.</p> <p>9. Ҳисоботларда арифметик хатоларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳисоб-китобларни текшириш.</p> <p>10. Ҳисоботларга киритилган калькуляция ҳужжатларини, назорат ўлчови натижалари, лойиҳ, ижро ҳужжатлари билан таққослаш.</p> <p>11. Назорат ўлчови давомида аниқланган маълумотлар асосида объект смета ҳисобини, локал смета ҳисобларини ишлаб чиқиш.</p>
10.	Назорат ўлчовини ўтказиш мақсади:	<p>1. Объект бўйича барча молиявий-иқтисодий ҳатарларни (финансовый риск) аниқлаш ва уларни бартараф этиш.</p> <p>2. Назорат ўлчовини амалга ошириш мобайнида лойиҳа-смета ва ижро ҳужжатларидага номувофикликларни аниқлаш ва бартараф этиш.</p>
11.	Ижрочига ва ижрочининг ходимларига кўйиладиган талаблар:	<p>1. Тендерга тақдим этилган объектга ўхшаш қурилиш-монтаж ишларида назорат ўлчовларини ўтказиш соҳасида энг камида <b>10 йиллик</b> тажрибага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши зарур.</p> <p>2. Назорат ўлчовини таркибида шаҳарсозлик соҳасида камида <b>35 нафар</b> олий маълумотли ва юқори касбий маҳоратга эга бўлган, қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича етарли кўникмаларга ва махсус сертификатга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим.</p>
12.	Ҳужжатлар таркиби (буюртмачи томонидан тақдим этилади):	Лойиҳа-смета ҳужжатлари (ПСД), бажарилган ишлар далолатномалари, таққослаш варақаси ва ташкилотнинг талабларига биноан назорат ўлчовларини амалга ошириш учун бошқа ҳужжатлар.
13.	Объектда назорат ўлчовини ўтказиш муддати:	Олдиндан тўлов (бўнак) амалга оширилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) иш куни.
14.	Назорат ўлчов ишларни тугатганда ва топшираётганда буюртмачига тақдим этиладиган ҳужжатлар:	Объектда назорат ўлчовини ўтказилгани бўйича тайёрланган хулоса, бажарилган ишлар далолатномаси, ҳисоб-фактура, буюртмачидан қабул қилинган барча ҳужжатлар.

15.	Назорат ўлчови бўйича тайёрланган хулосага қўйиладиган талаблар:	<p>Назорат ўлчовлари натижалари бўйича тақдим этиладиган хулосага қуйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тугалланган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисида ҳисобот;</li> <li>- тугалланган қурилиш-монтаж ишларини асбоб-ускуналар воситасида ўлчаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар;</li> <li>- амалда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ҳисоблаш;</li> <li>- смета нормативлари асосида шартнома, лойиҳа ва ижро ҳужжатларида келтирилган ҳақиқатда бажарилган ишларни баҳолаш, камчиликларни кўрсатиш;</li> <li>- смета нормативлари асосида шартнома ва лойиҳа ҳужжатларида келтирилган ишларни баҳолаш.</li> </ul> <p>Назорат ўлчови хулосалари Буюртмачига:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиб, А4 форматда чоп этилган ҳолда 3 нусхада;</li> <li>- Расмийлаштирилган хулосаларнинг сканер қилинган нусхаси (флеш карта/дискда – pdf форматда), электрон шакли (флеш карта/дискда – Word, Excel форматда)</li> </ul>
16.	Ишларни бажариш тартиби, кетма-кетлик босқичлари, жадваллари, босқичли аванс тўлови, шунингдек бажарилган шартнома шартларини босқичма-босқич тўлаш тартиби	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бажарилган ишлар учун тўлов шартномада назарда тутилган тартибда 30 (ўттиз) банк куни мобайнида сўмда банк ўтказмаси орқали амалга оширилади.</li> <li>2. Бажарилган ишлар учун тўлов амалда бажарилган ишлар учун томонлар кўрсатилган хизматлар ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кўрсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномасини имзолагандан сўнг, буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган ва ҳисобварақ-фактура олинган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида амалга оширилади.</li> <li>3. Тўлов мажбуриятлари, маблағлар буюртмачининг жорий ҳисобварағидан кўчирилган пайдан бошлаб бажарилган деб ҳисобланади. Буюртмачи маблағларнинг кейинги ўтиши учун жавобгар эмас.</li> <li>4. Ижрочининг жорий ҳисоб варағи ўзгарган тақдирда, ижрочи бу ҳақда буюртмачини жорий ҳисобнинг янги тафсилотларини кўрсатган ҳолда бир банк иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда, буюртмачи томонидан шартномада кўрсатилган ижрочининг ҳисоб варағига маблағ ўтказиш билан боғлиқ барча хатарлар учун ижрочи жавобгар ҳисобланади.</li> <li>5. Шартноманинг нархи қатъий белгиланади ва уни бажаришнинг бутун даври учун амал қилади.</li> </ol>

«Тошкент метрополитени» ДУК бошлиғи  
ўринбосари – Дирекция бошлиғи



С.Т. Жураев

